

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институти илмий-назарий, амалий-ўқувчи,
маънавий-маърифий журналлари*

Журнал бир йилда тўрт марта нашр этилади

Бош муҳаррир:
Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ

Бош муҳаррир ўринбосари:
Гўзал ХАЛИКУЛОВА

Таҳрир ҳайъати:
Тешабой БАЯНДИЕВ
Муҳаббат ТУЛЯХОДЖАЕВА
Ильдар МУХТАРОВ
Сарвиноз ҚОДИРОВА
Эдвард РТВЕЛАДЗЕ
Дилафрўз ҚОДИРОВА
Мансур БЕКМУРОДОВ
Абдухалил МАВРУЛОВ
Шавкат ШАРИПОВ
Нилуфар ИСАКУЛОВА
Зебо ҚОСИМОВА

Жамоатчилик кенгаши:
Азиз ҚАЮМОВ
Шокир ПИДАЕВ
Оқил ИБРОҲИМОВ
Замира ИШАНХОДЖАЕВА
Акбар ҲАКИМОВ

**Мақолада келтирилган фактларнинг тўғрилиги
учун муаллиф масъулдир.**

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 2015 йил 14 декабрда 0862-рақам билан
рўйхатга олинган.

*Журнал Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация
Комиссияси раёсатининг 2017 йил 29 ноябрдаги
245/6-сонли қарори билан Санъатишунослик фанлари бўйича
диссертациялар юзасидан асосий илмий натижаларни чоп
этишига тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.*



2017 йил, 3–4-сонлар

ISBN 2181-8932

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

| | |
|---|---|
| Б.Сайфуллаев. Барқарор тараккиёт стратегияси..... | 3 |
|---|---|

I. ТЕАТР ВА КИНО

| | |
|--|----|
| 1. С. Хайтматова. К вопросу развития документального кино Узбекистана 1960-1980-х гг. в контексте истории культуры | 6 |
| 2. С. Қодирова. Ўзбек театри тарихида унутилмас саҳифа | 11 |
| 3. У.Маматов. Портреты кинодеятелей, созданные мастерами изобразительного искусства Узбекистана во второй половине XX века | 17 |

II. МУСИҚА САНЪАТИ

| | |
|---|----|
| 1. Ж.Шукуров. Бухоро шашмақомига доир илмий рисола | 24 |
| 2. Ф.Тўраев. Таниқли дирижёр ва мураббий | 27 |
| 3. А.Дадаев. Устоз ёди (ижрочилик мактаби хусусида)..... | 35 |
| 4. Ғ.Худоев. Бухоро мумтоз мусиқасида мақомшунослик масалалари..... | 43 |

III. САНЪАТ ТАРИХИ, ФАЛСАФА ВА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС

| | |
|---|----|
| 1. И. Абдурахмонов. Санъат ибтидосини тизимли ўрганишнинг устувор масалалари (диний-культ ва мифо-эпик мавзулар мисолида) | 50 |
| 2. В.Рустамов. Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар тарғиботида маданий тадбирларнинг аҳамияти | 56 |
| 3. Бинафша Нодир. Социокультурные аспекты сохранения и развития узбекского традиционного текстиля | 63 |
| 4. Ў. Носиров. Эзгулик ва тараккиёт йўлидаги фидойи инсон..... | 68 |

IV. ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

| | |
|---|----|
| 1. С. Шаумаров. Олий таълим тизимида вебинар технологияларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари..... | 74 |
| 2. Г.Ходжиматова. Қорақалпоғистон Республикаси мусиқа маданияти..... | 80 |
| 3. Н.Қурбонова. Ўзбек янги романчилигида миллийликнинг акс этиши | 88 |

V. ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ

| | |
|---|----|
| 1. Э.Юлдашев. Техника и современное искусство: экспликация взаимодействия в контексте развития художественно-эстетической деятельности..... | 93 |
|---|----|

VI. ЯНГИЛИКЛАР

| | |
|---|-----|
| 1. П.Палуаниязов. Муқаддас даргоҳ..... | 98 |
| 2. Ш.Усмонов. Илм даргоҳига бир назар..... | 101 |
| 3. И.Джуманов. Ҳамкорликнинг истикболли уфқлари | 104 |
| 4. Э.Юлдашев, А.Хмыров. Начало активного изучения зарубежного опыта в рамках программы ЕС Erasmus+ | 107 |
| 5. А.Кудрявцев. “PROlogue”-2017. Итоги главного смотра короткометражного кино в Узбекистане. Наши студенты снова в победители!..... | 110 |
| 6. Исҳоқхон Ибратнинг илмий мероси | 112 |

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

Доимий янгиланиш, тараққиёт – табиат қонуни. Шу боис, ҳаёт ҳам муқаррар ўсиш, юксалиш, ривожланишдан иборат. Мустақиллик шароитидаги ҳаётимиз айнан шу мантиққа бўйсунди. Демак, тараққиёт бир-бири билан боғлиқ, бирин-кетин амалга ошириладиган ислоҳот ва янгиланишлар занжиридан иборат. Бу жиҳатдан 2017 йил 7 февраль демократик тараққиётимизнинг янги босқичига асос солинган, ислоҳотлар сиёсатининг янги палласи бошланган санага айланди. Чунки худди шу кунни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Фармони билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилинди.

Ҳаракатлар стратегияси билан танишган киши, аввало, Ўзбекистонда янгиланишлар сиёсати изчил давом эттирилаётганига; иккинчидан, инсон, унинг манфаат-эҳтиёжлари бу ислоҳотларнинг ўзагини ташкил этаётганига ва ниҳоят, тадрижий тараққиётимизнинг навбатдаги босқичи бошланганига амин бўлади. Зеро, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш масаласининг кун тартибига қўйилганлиги тасодиф эмас, балки заруратдир. Ҳаракатлар стратегиясида айтилганидек, “...мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамоийларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда”.

Дарҳақиқат, дунё шиддат билан ўзгармоқда. Ён-атрофимизда юз бераётган ўзгаришлар, илм-фан ютуқлари, ахборот тармоқларининг тезкор ривожланиши, замонавий технологияларнинг илдамлаб бориши янги-янги эҳтиёжларни юзага келтирмоқда. Бу ҳолат замон билан ҳамқадам бўлишга шайланган давлатларнинг сиёсатига муҳим даражада таъсир кўрсатади, уларнинг модернизациясига туртки бўлади. Ўзбекистон – ана шундай мамлакатлар қаторига киради.

Стратегиянинг давлатимиз учун аҳамияти ҳақида гапирганда, аввало, бу ҳужжатнинг салмоғи ҳақида тўхталиш ўринли. Авваламбор, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” – стратегик мазмун-моҳиятга эга ҳужжат ҳисобланади. Одатда, “стратегия” деганда олий раҳбарият томонидан тақдим этиладиган, давлатнинг истиқболдаги мақсадларга эришиш йўлидаги узоқ муддатли режалари тушунилади. Бу жиҳатдан, Президентимиз томонидан тақдим этилган стратегияда давлатимиз равнақини таъминловчи энг мақбул тараққиёт йўналиши белгилаб берилган. Демак, Ҳаракатлар стратегиясидан ўрин олган мақсадларга эришиш истиқболимиз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Таъкидлаш жоизки, давлатнинг стратегик мақсадларини белгилаб бериш ўта масъулиятли вазифа саналади. Чунки шу мамлакат тақдири кўп жиҳатдан келгусида эришилажак марраларнинг қанчалик тўғри танланганига боғлиқ бўлади. Тўғри танланган стратегия давлатнинг мустаҳкамланиши, ривож ва гуллаб-яшнашига олиб келади. “Келажакка сакраш” қилган Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур каби давлатларнинг стратегияларини бунга

мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Иккинчидан, дунёда барча давлатлар учун 100 фоиз қўл келадиган универсал стратегияларни ишлаб чиқиш амри маҳол. Чунки ҳар бир мамлакат геосиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўз стратегиясини ишлаб чиқади. Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқишда халқ хоши-истаклари, манфаат-эҳтиёжларига таянилади. Ҳаракатлар стратегиясининг лойиҳаси муҳокама учун норматив-ҳуқуқий актлар муҳокамаси порталига жойлаштирилди. Интернет тармоғида эълон қилинган бу ҳужжат шу тариха экспертлар ва жамоатчиликнинг кенг муҳокамасидан ўтди.

Учинчидан, Ҳаракатлар стратегияси давлатимизнинг инновацион салоҳиятини ўзида ифода этади. Чунки, бу ҳужжат, бугунги кун эмас, эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган. Шунинг учун ҳам Ҳаракатлар стратегияси бизга давр ўзгаришларидан ортда қолмаслик, замонага мос ривожланиш, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб бериш имконини яратади. Бундан ташқари, доимий такомилга шайланганимизнинг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда Ҳаракатлар стратегиясидан ўрин олган ғоялар муттасил ва шиддат билан янгиланаётган дунёда ўз қиёфамизни сақлаб қолган ҳолда мавқеимизни янада мустаҳкамлашимизга пухта замин яратади.

Тўртинчидан, Ҳаракатлар стратегиясида бошқарувга тизимли, комплекс ёндашувни кўриш мумкин. Ҳаракатларимизни долзарб вазибаларни ҳал қилишга йўналтириш асносида бу ҳужжат фаолиятимизни мувофиқлаштиришга, ўзбекона қилиб айтганда, “бир ёқадан бош чиқариб” меҳнат қилишимизга, ҳаракатларимиздаги изчиллик ва тартибни таъминлашга хизмат қилади. Айни пайтда жамиятимиз ҳаётини ислоҳ қилишнинг беш устувор йўналиши қамраб олинган бу ҳужжатда келгуси фаолиятимиз кўламли, янгиланишларнинг миқёслари ҳам белгилаб берилган.

Бешинчидан, стратегик мақсадларга эришиш учун ижрочилар ва ижро муддатлари аниқ кўрсатилган дастурлар ва режалар ишлаб чиқилади ҳамда ҳаётга тағбиқ этилади. Бу жиҳатдан, стратегия давлатнинг муайян йўналишдаги ҳаракатини максимал тезлатиш учун мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш режаси сифатида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясини беш босқичда амалга оширишга қарор

“Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти, иқтисодийнинг жадал ривожини, ҳаёт сифатининг ўсиши ҳамда миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишлари, усул ва воситаларини ўз ичига олади.

қилинди. Аниқроғи, келгуси беш йилда Ўзбекистонда йилларга бериладиган номлардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутилди. Натижада, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастури қабул қилинди. Муҳими, беш босқичда амалга ошириладиган Ҳаракатлар стратегиясида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил ҳаётга жорий этила бошланди.

Айтиш мумкинки, Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти, иқтисодийнинг жадал ривожини, ҳаёт сифатининг ўсиши ҳамда миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишлари, усул ва воситаларини ўз ичига олади. Ҳар қандай стратегиянинг муваффақиятли амалга оширилиши қатор масалаларни ҳал қилишни тақозо этади. Жумладан, жамият аъзоларининг стратегик мақсадлардан хабардорлигини ошириш; жамиятнинг барча кучларини ислохотларга сафарбар этиш; амалга оширилаётган ўзгаришларда ҳар бир соҳанинг роли ва масъулиятини белгилаб бериш; барча ресурсларни стратегик мақсадларга йўналтириш муҳим саналади. Шу нуқтаи назардан, стратегия давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари ривожига йўналтирилган бўлади.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

* Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;

* Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;

* Иқтисодийни янада ривожлантириш ва

либераллаштириш;

* *Ижтимоий соҳани ривожлантириш;*

* *Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.*

Биринчи устувор йўналиш бўйича: демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатимизни модернизация қилишда парламентнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви ва давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, давлатнинг иқтисодий тартибга солиш борасидаги функцияларини қисқартириш, «ягона ойна» тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тизимини кенг жорий этиш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда тағбиқ этиш ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш йўлида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш назарда тутилган.

Иккинчи устувор йўналиш: суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, юртдошларимиз томонидан одил судловга эришиш даражасини ошириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва хизматлар сифатини тубдан яхшилаш учун қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга эътиборни кучайтиришга йўналтирилган.

Учинчи устувор йўналиш: иқтисодийнинг очиклиги ва рақобатдошлигини ошириш, иқтисодий мустақилликни кучайтириш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилиш, молия-банк соҳасини тубдан ислоҳ этиш, хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, ташқи иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, туризм тармоғини самарали ривожлантириш, кишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни

амалга ошириш мақсадида иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш жараёнларини камраб олади.

Тўртинчи устувор йўналиш: иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдорини босқичма-босқич ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини самарали ҳал этиш, фуқароларни замонавий ва арзон уй-жойлар билан таъминлаш, уй-жой ва коммунал хўжалигини, социал инфратузилма объектларини модернизация қилиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим-тарбия тизимини, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш йўлида ижтимоий соҳани ривожлантиришни талаб этади.

Ва, ниҳоят, **бешинчи йўналиш** давлатнинг мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, минтақамизда хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини вужудга келтириш, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимизнинг ижобий халқаро нуфузини мустаҳкамлаш йўлида хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни янада кучайтириш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни юритиш мақсадини кўзлайди.

Кўрииб турибдики, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари галдаги ислохотлар объектига айланмоқда. Ҳар қандай стратегиянинг муваффақиятли амалга оширилиши бир қанча омиллар каторида барча манфаатдор тарафларнинг стратегик шерикчилигига боғлиқ бўлади. Шу боисдан, Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда давлат идоралари, бизнес тузилмалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро таъсирнинг янги шаклларини жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ҳаракатлар стратегияси иунчаки расмий ҳужжат эмас, балки эндиги ҳаракатларимизни алоҳида мазмун билан тўлдиришга хизмат қиладиган дастуриламалдир. Унда бор куч-қудратимизни сарфлашга арзидиган мақсад-муддаолар илгари сурилган. Бу эса ҳар биримизни Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга қўшажақ ҳиссамиз ҳақида ўйлаб кўришга, Ўзбекистонни қудратли давлатга айлантириш мақсади билан хатти-ҳаракатларимиз ўртасидаги боғлиқликни англашга ундайди.

